



БАРҚАРОР ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШДА ИНСОН РЕСУРСЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

Амруллаева Ҳавасгул Амрулла қизи

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби
магистратура мутахассислиги тингловчиси.

Инсон ресурслари ҳар қандай жамиятнинг асосий ижтимоий ва иқтисодий салоҳияти ҳисобланади. Бугунги кунда жамиятда инсон ресурси энг муҳим ижтимоий-маданий ресурс ва мамлакат миллий бойлигининг асосий элементи сифатида тан олинмоқда. Усиз маҳсулдор ишлаб чиқариш ва инновацион фаолиятни таъминлаш, бевосита жамиятнинг ижтимоий-маданий тараққиёти ва ривожланишига ҳисса қўшадиган, шунингдек узоқ муддатли иқтисодий ўсишни амалга ошириш мумкин эмас. Жамиятнинг замонавий ривожланиш тушунчаси инсонни ушбу жараённинг бошланғич ва якуний нуқтаси сифатида тан олади. Инсоний ёки ижтимоий жиҳат ушбу ривожланишнинг асосий омилига айланади, моддий ресурслар эса бу тараққиёт учун шарт-шароит бўлиб хизмат қилади.

"Инсон ресурслари" атамасини биринчи бўлиб америкалик институтсионал иқтисодчи Жон Р. Коммонс ўзининг 1893 йилда чоп этилган "Бойликнинг тақсимланиши" номли китобида қўллаган. [1, с.20] Бироқ XX асрга келибгина ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги тушунмовчиликлар билан расмий равишда шуғулланувчи кадрлар бўлимлари шакллана бошлади. 1980 йиллардан бошлаб ходимлар билан боғлиқ муаммоларнинг узоқ муддатли бизнес муваффақиятига таъсирини ўрганиш натижасида кадрлар бўлимларида стратегик ташаббуслар томон ҳаракат бошланди. Ушбу стратегиялар биргаликда инсон ресурсларини бошқариш (ХРМ) деб аталади. Улар ходимларни, ташкилот маданияти ва муҳитини бошқаришга комплекс ёндашувни таъминлайди. ХРМ ишчи кучини ёллаш, бошқариш ва ташкилот мақсадларига мослаштириш учун йўналтиришга қаратилган.

Масалан, адолатли ва оқилона маош ҳамда ижтимоий ҳимоя тизимини шакллантириш ходимларнинг меҳнат фаолиятига бўлган иштиёқини оширади ва ташкилот самарадорлигини яхшилади. Шунингдек, ходимларга ғамхўрлик механизминини яратиш, уларнинг жисмоний ва руҳий саломатлиги ҳамда касбий ривожланишига эътибор қаратиш ходимларнинг иш жойига нисбатан садоқатини ва уюшқоқлигини кучайтириб, ташкилотнинг узоқ муддатли ривожланиши учун мустаҳкам замин яратади.

Инсон ресурсларини бошқариш концепциясида "инсонга йўналтирилган" (people-oriented) ёндашув муҳим ўрин тутди. Бу шундай тушунчани англатадики, бошқарув жараёнида ходимларнинг шахсий хусусиятлари ва ижодий қобилиятига ҳурмат билан ёндашиш, уларнинг эҳтиёжлари ва ҳис-туйғуларини инобатга олиш ҳамда инсонпарвар бошқарув услубини қўллаш керак. Шу билан бирга, инсон ресурслари компания тараққиёти учун асосий ҳаракатлантирувчи куч сифатида қаралади. Шунинг учун, ходимларнинг салоҳияти ва қобилиятига алоҳида эътибор



қаратиш, уларни ривожлантириш ва компания учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Бундан ташқари, инсон ресурсларини бошқариш ходимларнинг касбий ривожланиши ва ўсишига ҳам эътибор қаратади. Уларнинг шахсий ўсиши ва ташкилот ривожи бир-бирини тўлдириши керак. Шунинг учун, ходимларга кенг касбий ўсиш имкониятларини тақдим этиш ташкилотнинг барқарор тараққиётига олиб келади. [2, с.120]

Барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жараёнида инсон ресурсларининг аҳамияти фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қилинганда, бу жараён диалектик ривожланиш, модда ва онг бирлиги, ижтимоий онг ва ижтимоий борлиқ каби қонунлар ва категориялар доирасида тушунтирилади. Инсон ресурсларини фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиш, уларнинг жамият тараққиётидаги вазифаларини, инсон онги ва моддий ишлаб чиқариш жараёнлари билан боғлиқлигини аниқлашга имкон беради. Фалсафанинг диалектик ривожланиш қонунига мувофиқ, ҳар қандай ижтимоий жараён зиддиятли ҳаракатда ва ривожланишда бўлади. Инсон ресурслари бу ривожланиш жараёнида ҳал қилувчи омил сифатида намоён бўлади. Гегельнинг фикрига кўра, “ривожланишда қарама-қаршиликларнинг бирлиги ва кураши ҳал қилувчи роль ўйнайди”. [3, с.120] Бу нуқтаи назардан қаралганда, инсон ресурслари ижтимоий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб, жамиятдаги тараққиётни қўзғатувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Инсон ресурсларини ривожлантириш, ўз навбатида, ижтимоий таркибий тузилмаларнинг такомиллашувига олиб келади. Жамиятдаги ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар инсон ресурслари ривожи билан узвий боғлиқ.

Материалистик дунёқарашда инсон ресурсларининг аҳамияти уларнинг моддий ва маънавий жиҳатларининг бирлигида намоён бўлади. К.Маркснинг таъкидлашича, “Инсон фаолияти – бу моддий ишлаб чиқариш ва маънавий фаолиятнинг бирлиги”. [4, с.188] Буни ижтимоий тараққиёт нуқтаи назаридан таҳлил қилсак, инсон ресурсларининг ривожланиши жамиятдаги инновация ва технологик тараққиёт билан узвий боғлиқдир. Шунингдек, инсон ресурсларининг самарадорлиги уларнинг таълим олиш даражаси, ижтимоий муҳит ва маданий қадриятлари билан чамбарчас боғлиқ. Инсон билимларини ошириш, фан ва технологияларни ривожлантириш жамиятнинг барқарор тараққиёти учун муҳим омиллар ҳисобланади.

Барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жараёнида инсон ресурслари ижтимоий онг ва ижтимоий борлиқ ўртасидаги диалектик боғлиқлик доирасида таҳлил қилиниши лозим. Энгельс таъкидлаганидек, “Онг – бу моддий дунёнинг инсон онгида акс этишидир”. Инсон ресурсларининг ривожланиши учун таълим, маданият ва илмий инновациялар муҳим аҳамиятга эга. Бу эса ижтимоий онгнинг ўсиши билан боғлиқдир. Инсон ресурсларининг барқарор ривожланиши жамиятдаги маънавий тараққиётнинг муҳим шартидир. Бунда ижтимоий институтлар, хусусан, таълим ва маданият муассасаларининг ўрни катта.

Барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлашда таълим тизими муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Инсон ресурслари ривожининг сифатини ошириш учун билим ва инновацияга асосланган ёндашув талаб этилади. Янги технологиялар



ва илмий ютуқлар инсон меҳнат унумдорлигини ошириш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва жамиятда ижтимоий адолатни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Жон Дьюи таъкидлаганидек, "Таълим – бу ҳаёт учун тайёргарлик эмас, балки ҳаётнинг ўзи" Бундай ёндашув инсон ресурсларини шакллантиришда жамият ва шахс ўртасидаги ўзаро боғлиқликни намоён этади. Илмий ва инновацион ривожланиш инсон ресурсларининг интеллектуал салоҳиятини оширишда муҳим омил бўлиб, бу барқарор ижтимоий тараққиётнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Мазкур мақолада барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишда инсон ресурсларининг иқтисодий самарадорлиги назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинди. Тадқиқот натижалари инсон ресурслари сифати — таълим даражаси, касбий компетенция ва меҳнат унумдорлиги — иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминловчи асосий омиллардан бири эканини тасдиқлади. Шунингдек, инсон ресурсларига йўналтирилган инвестициялар узок муддатли иқтисодий самарадорликни оширишда муҳим рол ўйнаши аниқланди. Тадқиқотнинг илмий хиссаси инсон ресурслари самарадорлигини барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан тизимли боғлиқликда асослаб берилганида намоён бўлади. Амалий жиҳатдан эса олинган хулосалар меҳнат бозори, таълим сиёсати ҳамда инсон капиталига инвестицияларни режалаштиришда фойдаланиш учун асос бўла олади. Шу билан бирга, инсон ресурсларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг зарур ва устувор шартларидан бири экани ҳақида аниқ илмий хулоса чиқарилди.

Литература и источники

- 1 John Rogers Commons. "The Distribution of Wealth." A.M. Kelley, 1963. P.302
- 2 Chen Liu. The Role of Human Resource Management in Sustainable Development. International Journal of Education and Humanities ISSN: 2770-6702 | Vol. 14, No. 3, 2024. P.120
3. Г.В.Ф. Гегель. Феноменология духа. Перевод с немецкого Г.Г. Шпета М.: Наука, 2000. -495 с
4. Маркс К. Капитал. перевод и. и. Степанова-скворцова, проверенный и исправлены. Государственное издательство политической литературы М.:1952.-797 с.